Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1938 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 232 (8222). ● 7 декабрь, 1983 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

«Ташметрострой» трестининг бунёдкорлари Тошкент метросининг иккинчи навбатини барвақт фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили тугаб бораётган айни паллада бунёдкорлик ишлари янада авж олдирилди. Бу эса айрим участкалардаги қурилиш суръатининг кескин ошишини таъминлади.

Суратда: илғор қурувчилардан В. Дехта (чапда) ва Г. Люстер «Космонавтлар проспекти» станциясини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Халқ хўжалигида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида ошириб ёзишга қарши курашни кучайтириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилганидек, кейинги йилларда автомобиль транспорти кенг ривожланиб, мамлакат ягона транспорт системасининг энг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Унинг моддий техника базаси анча мустаҳкамланди, машиналар парки замонавий автотранспорт воситалари билан мунтазам суратда тўлдирилмоқда, автомобилларнинг техникавий даражаси, улар ишининг сифат ва фойдаланиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Шу билан бирга автомобиль юк транспортининг ҳаракат составидан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд. Юкларни иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган марказлаштирилган тартибда ташиш ҳали ҳам етарлича ривожлантирилгани йўқ, умум фойдаланадиган автомобиль транспортини устун даражада ривожлантириш ва ҳаракат составини йирик автомобиль хўжаликларида марказлаштириш таъминланмаяпти. Автомобилларнинг юк ортмай бўш юриши ҳамда юк ортиш ва тушириш вақтидаги нормадан ортиқ бекор туриб қолиши ҳамон кўп бўлиб, автотранспорт воситаларидан норационал фойдаланиш ва уларни бошқа юмушларни бажаришда ишлатиш каби ҳолларга кўплаб йўл қўйилмоқда.

Юк автомобиллари паркининг структураси юк ташиш шароитларига кўп жиҳатдан мос келмайди. Халқ хўжалигида оз ва кўп юк ташийдиган автомобиллар, ҳар хил ишларни бажарадиган махсус транспорт воситалари, прицеплар ва ярим прицеплар етишмаяпти. Автомобиллар дизель ёнилғисига ва суйилтирилган табиий газ билан ишлашга секинлик билан ўтказилмоқда. Автомобилларнинг талайгина қисмидан ҳамон спидометрлари носоз ва пломбаланмаган ҳолда фойдаланилмоқда.

Айни вақтда автомобиль саноати министрлиги билан асбобсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлиги автомобилларнинг ишини ва уларнинг ёнилғи сарфлашини контроллик қилиш учун бирмунча пухта ва самарали приборлар яратишга эътибор бермаяптилар.

Автомобиль транспорти ишини планлаштириш сифатини ошириш ва бу ишда ҳисоб-китобни ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материалларини оқилона, тежаб-тергаб сарфлашни таъминлаш борасида етарлича чоралар кўрилмаяпти. Автомобиль ёнилғисини сарфлашни нормаллаш ҳамон қониқарсиз. Ташилмаган юк ҳажмини ошириб ёзиш, ёнилғи-мойлаш материалларини исроф қилиш ва ўғирлаш ҳоллари оз эмас. Кўпгина бензин қуйиш станцияларида автомобилларга бензин бериш тартиби бузилмоқда.

Автомобиль транспорти ишидаги ва аҳолини нефть маҳсулотлари билан таъминлашдаги мана шу камчиликлар аввало интизом ва талабчанлик сусайиб кетганлиги, министрликлар, идоралар, маҳаллий партия ва совет органлари автотранспорт воситаларидан фойдаланиш устидан етарлича контроллик қилмаётганликлари сабабли юзага келган.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети автомобиль транспортида давлат интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб ҳамда унинг халқ хўжалигидаги роли ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, шуни таъкидладиларки, автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёнилғи-мойлаш материалларини яхши сақланишини ва тежаб сарфланишини таъминлаш партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг, барча министрликлар ҳамда идораларнинг кечиктирилмайдиган вазифаси бўлиб қолиши керак.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари билан Министрлар Советларига, ўлка ва область партия комитетларига, автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетларига, СССР министрликлари ва идораларига автомобиль юк транспорти ишини ташкил этиш, планлаштиришни ва шу ишда ҳисоб-китобни тубдан яхшилашни, автомобилларнинг нормадан ортиқ бекор туриб қолишини ва бўш юришини камайтиришни тугатишни, автомобиллардан фойдаланиш самарадорлиги устидан контроллиқни кучайтиришни, юк ташиш чоғида ошириб ёзишларга, шунингдек бензин ҳамда бошқа ёнилғи-мойлаш материалларининг исроф бўлиши ва талон-тарож қилинишига барҳам берилишини, автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарда, юк жўнатувчи ва юкни қабул қилиб олувчи корхоналарда интизомни мустаҳкамлашни таъминлаш топширилди.

Автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари меҳнат коллективларининг тарбиявий кучига таяниб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг ҳар қандай бузилишига қарши, ўз вазифаларига нисбатан беларво муносабатда бўлишга қарши, хўжасизлик ва исрофгарчилик фактларига қарши қатъий кураш олиб боришлари лозим.

Бошланғич партия ташкилотларига автотранспорт корхоналари ва нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг ходимлари ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш, маъмурият фаолиятини контроллик қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши, техникага нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, автомобиль ёнилғисини тежаб-тергаб сарфлаш учун ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш таклиф этилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Госплани зимасига йиллик планларда автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмини, шунингдек автомобиль ёнилғиси фондларини ҳамда транспорт ишига ёнилғи сарфлашнинг СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари бўйича нормаларини тасдиқлаш вазифасини юкладилар. Марказлаштирилган тартибда юк ташиш планларини ҳам СССР Госплани тасдиқлаши кўзда тутилади.

Умум фойдаланадиган автомобиль транспортини илдам ривожлантиришни таъминлаш вазифаларига асосланиб, мамлакат автомобиль транспортининг умумий юк оборотида унинг салмоғини ошириш зарур деб топилди.

Юкларни автомобиль транспортида ташиш чоғида меҳнат ресурсларини ва моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда транспорт жараёнини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган қарорда ўз қарамоғида юк автомобиллари бўлган СССР министрликлари ва идоралари ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари учун 1984—1990 йилларда автомобилларнинг бекор туриб қолишини ва уларнинг юк ортмай бўш юришини камайтириш, улар ишининг унумдорлигини ошириш ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига юк ташиш таннархини арзонлаштириш топшириқлари тасдиқланди.

СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари, Москва ва Ленинград шаҳар ижроия комитетлари майда автотранспорт корхоналарини жуда қисқа муддат ичида йириклаштиришлари, идораларга қарашли автомобиль хўжаликларида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишлари лозим. Зарур бўлган ҳолларда норентабел автомобиль хўжаликлари қайси идораларга қарашли эканлигидан қатъий назар уларни тугатиш, шунингдек юк ташиш ҳажмларини, юк автомобилларини, ишлаб чиқариш базасини, ходимлар сонини ва иш ҳақи фондини умумфойдаланадиган автомобиль транспорти корхоналарига ўтказиб, улар зиммасига юк автомобилларини топширган корхоналар ва ташкилотларга хизмат қилиш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарорлар қабул қилинсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига:

Одатда, шаҳарлараро юклар умумфойдаланадиган автомобиль транспортида ташиладиган автомобиль йўлларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда 1990 йилга бориб ана шу йўлларда жойлашган пунктлар ўртасида юк ташишда идораларга қарашли автомобиль транспортининг иштирок этишига барҳам бериш тадбирларини амалга ошириш;

1984 йилдан бошлаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга майда туркумдаги юкларни юк таксомоторлари принципига мувофиқ ишловчи автомобилларда ташишга бир марта берилган буюртмалар асосида хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

автотранспорт воситаларининг қайси идорага қарашли эканлигидан қатъий назар улардан фойдаланиш самарадорлиги устидан контроллиқни амалга оширишда умумфойдаланадиган автомобиль транспорти диспетчерлик хизматининг ролини ошириш ҳамда шу хизматни малакали ходимлар билан таъминлаш чораларини кўриш таклиф этилди.

СССР Молия министрлигига, СССР Давлат банкига, СССР Марказий статистика бошқармасига ва РСФСР автомобиль транспорти министрлигига автомобиль транспортида юк ташиш учун ҳисоб-китоб тартиби тўғрисидаги инструкцияни ва товар-транспорт ҳужжатларининг формаларини қайта кўриб чиқиш, уларни анча соддалаштириш ҳамда мазкур ҳужжатларни механизмлар ёрдамида ишлаб чиқиш имконияти берилиши учун шарт-шароитлар яратишни назарда тутиш топширилди.

Министрликлар ва идоралар автотранспорт корхоналарининг иши, ёнилғи-мойлаш материаллари оқилона сарфланиши, шунингдек товар-транспорт ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилиши ва ташилган юк ҳажми белгиланган тартибда солиштирилиб чиқилиши устидан контроллик кучайтирилишини таъминлаш таклиф этилди.

Товар-транспорт ҳужжатлари нотўғри расмийлаштирилганлиги сабабли юк ташиш юзасидан бажарилмаган иш ҳажми ошириб ёзилишига ва бажарилган юк ташиш ҳажмининг белгиланган тартибда солиштириб чиқилишига риоя этилмаслигига олиб келганлиги учун шу вазифаларни амалга ошириш юкланган ходимлар ва бу ишни ташкил этиш учун масъул бўлган мансабдор шахслар йиллик иш якунлари бўйича бир йиллик муддат билан мукофотларнинг барча турларидан маҳрум этиладилар деб белгилаб қўйилган.

Юк ташиш юзасидан бажарилмаган иш ҳажмини ошириб ёзиш натижасида корхоналарга зарар етказишда айбдор бўлган ходимлар амалдаги қонунда белгиланган тартибда шу зарарни қоплайдилар.

Юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўришдан, юк ортиш-тушириш ишларини жадаллаштиришдан, шунингдек ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб сарфлашдан ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида:

юкларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш билан банд бўлган ходимларни автомобилларнинг бекор туриб қолишини белгиланган нормаларга нисбатан камайтирганлиги учун моддий рағбатлантиришни жорий этиш;

бензин ва дизель ёнилғисини тежаганлиги учун автомобиль транспорти ходимларига тўланадиган мукофотлар миқдорини ана шу ёнилғи қийматининг 95 процентига қадар кўпайтириш;

автомобиль транспорти ходимларининг айби билан ёнилғи белгиланган нормадан ортиқча сарфланганлиги учун улардан ортиқча сарфланган автомобиль ёнилғиси қийматининг 100 процентига миқдорида ушлаб қолинишини белгилаб қўйиш зарур деб топилди.

Министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга юк автомобиллари ҳайдовчиларининг меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, бригадаларни хўжалик ҳисоби шароитида бригада пудрати методи асосида ишлашга ўтказиш тадбирларини кўриш таклиф этилди. Бунда бригададаги ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш системаси бутун коллективнинг пировард меҳнат натижаларига эришишдан, меҳнат унумдорлигини ва иш сифатини оширишдан шахсий ҳамда коллектив моддий манфаатдорлигининг қўшиб олиб борилишини таъминлаши лозим.

Ҳаракат составидан самарали фойдаланишдан, шунингдек юкларнинг яхши сақланган ҳолда ўз вақтида етказиб берилишидан юк автомобиллари ҳайдовчиларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида айрим автотранспорт корхоналарида ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш системасини такомиллаштириш юзасидан эксперимент ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, шунингдек СССР министрликлари ва идораларига юк автомобилларининг ҳайдовчиларини улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг вақтбай мукофот системасига ўтказиш чораларини кўриш ҳамда иш ҳақи фонди ҳисобидан уларга тўланадиган мукофотлар миқдорини тариф ставкасининг 60 процентига қадар ошириш ҳуқуқи берилди.

Министрликлар ва идоралар спидометр ускунасини яхши сақлаш ва ундан фойдаланишда тегишли тартиб ўрнатишлари, ҳар бир автомобилга хўжалигида спидометрнинг созлиги ҳамда унинг кўрсаткичлари тасдиқланган қоидаларга қатъий мувофиқ равишда тўғри бўлиши устидан мунтазам контроллиқни таъминлашлари шарт.

Шу нарса белгилаб қўйиладики, спидометр ишдан чиққан ва носоз ёки пломбаланмаган спидометрли автомобилнинг йўлга чиқарилишига доир ҳар бир факт автотранспорт корхонасининг маъмурияти томонидан касаба союз комитетининг иштирокида текшириб чиқилиши керак, шу бузилишларда айбдор бўлган шахслар эса белгиланган тартибда қаттиқ жавобгарликка тортиладилар.

Қарорда автомобиль саноати министрлигига халқ хўжалиги юк автомобили паркининг оқилона структурасини вужудга келтириш учун зарур бўлган автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлаш, дизель автопоездлари, кичик юк автомобиллари, прицеплар ва ярим прицеплар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш топширилган.

СССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш Давлат Комитетига ва Центросоюзга транспорт воситаларига эга бўлган гражданларга нақд пул билан ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш учун, жумладан қишлоқларда ҳам бензин қуйиш станцияларини тармоғини кенгайтириш топширилди. 1984 йилдан бошлаб бир қанча шаҳарлардаги бензин қуйиш станцияларида кредит карталари билан нефть маҳсулотлари берадиган автомат система жорий этилсин.

СССР министрликлари ва идораларига ҳамда иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига кўчма бензин қуйиш станцияларини гаражларнинг территориясида жойлаштириш учун махсус майдончалар ва доимий ишлайдиган бензин қуйиш пунктларини қуриш таклиф этилди.

СССР Халқ контроли Комитети билан унинг жойлардаги органларига министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг, колхозлар, ва совхозларнинг автомобиль транспорти ва ёнилғи-мойлаш материалларидан самарали фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги фаолияти устидан контролликни кучайтириш таклиф қилинди. Ташилган юк ҳажмини ошириб ёзилишига, автомобиль ёнилғиси талон-тарож қилинишига ва ўғирланишига йўл қўйётган мансабдор шахслар қаттиқ жавобгарликка тортилсин.

СССР Молия министрлиги билан СССР Марказий статистика бошқармаси автомобиль транспортида ташилган юк ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги, ёнилғи-мойлаш материаллари тўғри сарфланиши, юк жўнатувчи корхоналар билан юкни қабул қилиб олувчи корхоналар товар-транспорти ҳужжатлари бўйича товар-моддий бойликларни рўйхатдан чиқариш ва рўйхатга олиш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилишлари устидан, шунингдек ташилган юк ҳажми тўғрисидаги маълумотларни текшириб чиқиш устидан контролликни кучайтиришлари шарт.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига ушбу қарорнинг бажарилиши устидан доимий контроллик қилиш, автомобиль транспорти ишини яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтириш вазифаси юкланди, автотранспорт воситаларидан норационал, самарасиз фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини сарфлашга хўжасизларча муносабатда бўлиш фактларига қатъий чек қўйиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, автотранспорт корхоналари ҳамда нефть маҳсулотлари сотувчи корхоналарнинг, юк жўнатувчи ва юкни қабул қилиб олувчи корхоналарнинг меҳнат коллективлари автомобиль транспорти иши самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигида транспорт ҳаражатларини камайтириш, ёнилғи-мойлаш материаллари яхши сақланишини ҳамда улар тежаб сарфланишини таъминлаш учун барча зарур ишларни қиладилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

РАҲМАТ, СИЗЛАРГА!

ЯНГИЙЎЛ. Ленин номли колхознинг Жавҳар Ортиқалиев бошлиқ юқори ҳосилли бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини ҳам, социалистик мажбуриятни ҳам хўжаликда биринчилар қаторида бажариб, оширилган мажбурият қабул қилган эди. Яқинда бу илғор коллектив учинчи довонни ҳам эгаллаганлиги ҳақида рапорт берди. 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан хирмон кўтарилиб, давлатга 460 тонна хом ашё сотилди.

Ҳимматулла Йўлчиев раҳбарлигидаги бригада ҳам 76 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, оширилган социалистик мажбуриятини бажарди. Бунда шу кунгача 10—12 тоннадан пахта терган Дилбар Қодирова, Туйма Ҳалимтоевалар сингари чевар теримчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

АМАЛДАГИ ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

ПИСКЕНТ. Районни оталиққа олган Олмалиқ шаҳри меҳнаткашлари пахта йиғимтерими даврида амалий ёрдамни, айниқса, кучайтирдилар. Шаҳар корхоналари, ташкилот ва муассасаларининг ишчи-хизматчилари ҳамда мактаб ўқувчиларидан иборат 12 минг ҳашарчи шу кунгача пискентликлар хирмонига 8600 тоннадан знёд «оқ олтин» теришб тўкди. Улар ўртасида ташкил этилган мусобақада 4-автотранспорт корхонаси, гилам маҳсулотлари фабрикаси, гўшт комбинати, 13-, 19- ва 22-мактабларнинг коллективлари пешқадамлик қилдилар.

Шунингдек, Пискент шаҳридан чиққан ҳашарчилар ҳам пахтакорларга актив ёрдам кўрсатмоқдалар. Айниқса, 92-шаҳар дорихонаси коллективининг ёрдами салмоқли бўлмоқда. 10 кишидан иборат бу бригада «Пискент» совхозининг биринчи бўлимида жами 18 тонна пахта терди. Беш кунликлар якуни бўйича уч марта райониинг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Мавсумда 2—2,5 тоннадан пахта терган Ҳабиба ва Замира Фармонқуловалар, Ортиқой Мавлонова, Александра Моисеевалар бир неча марта қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

50 ЦЕНТНЕРЧИЛИК ҲАРАКАТИ ЗАФАР КЕЛТИРДИ

БЕКОБОД. Бердиқул Турдиқулов, Ҳошим Раззоқов, Нурилла Қолдибоев сингари тажрибали пахтакорлар Ленин номли колхозининг юқори ҳосилли бригадаларига раҳбарлик қилишади. Улар бошлиқ коллективлар бу йил 50 центнерчилик ҳаракатида қарвонбошилик қилиб, ҳосилдорликни 52 центнерга етказдилар. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли Абдуғани Абдукаримов бошлиқ 3-бўлим коллективи ҳам социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажарди. 410 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 42 центнердан хирмон кўтарилди.

Қабул пунктларига топширилган 1800 тонна ҳом ашёнинг 1200 тоннаси биринчи сортларга топширилди. 80 процентни машиналарда териб олинди.

ОҚ ОЛТИН-ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАИЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 6 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — район лар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада мавсум бошидан буён (план га нисбатан процент ҳисобида).

БЎКА	0,01	110,87	106,52
КОММУНИСТИК	0,01	109,21	110,19
БЕКОБОД	0,02	105,74	75,55
ОҚҚЎРҒОН	0,03	105,63	109,13
ЧИНОЗ	0,04	103,74	79,58
ПИСКЕНТ	0,01	103,44	70,06
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,02	102,88	85,65
ЯНГИЙЎЛ	0,03	101,11	85,39
Ғалаба	0,02	93,62	69,40
Область бўйича:	0,03	104,03	87,75

ХАЛҚЛАР ОРЗУСИ — ТИНЧЛИК!

ХАВФ-ХАТАР ДАФ ЭТИЛСИН

Ғарбий Европада Америкаиинг ядро ракеталарини жойлаштириш режалари амалга оширила бошлаганлиги муносабати билан халқаро вазият жиддий кескинлашганлиги сабабли ғоят ташвишланяпмиз.

Бизлар ҳеч кимни уруш билан қўрқитмаймиз, бироқ мамлакатимиз остоналарида империалистлар ажал қуролини жойлаштириб, бунёдкорлик меҳнатимизга хавф солар эканлар, биз зарур чоралар кўришга мажбурмиз. Бу ҳозирги вужудга келган вазиятда бирдан-бир тўғри тадбирлардир. Бу тадбирлар бизларни ва иттифоқчиларимизни хавф-хатардан ҳимоя қилишга, тинчликни таъминлашга қаратилган.

Социализм ва тинчлик ажралмасдир. Бизлар ҳаётнинг барча жабҳаларида меҳнат аҳлининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилинаётган жамиятни бунёд этмоқдамиз. Шунинг учун ҳам биз ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида талаб қилинганидек ядро уруши хавфини даф этиш учун, Ватанимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш учун барча зарур ишларни қиламиз.

Робия СУЛТОНХОНОВА,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси.

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН

ГФР, Англия ва Италия ҳукуматлари ўз халқларининг хоҳиш-иродасига қарши иш кўриб, Америкаиинг янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришга киришиб, унинг жиддий оқибатлари учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига олдилар.

Менинг ёшимдаги қишилар урушни китоблардан ва кинофильмлардан билган эмаслар, балки унинг азобуқубатларини ўз бошидан кечирганлар. Ветераилар бўлиб ўтган жангларнинг дахшатларини, ловиллаб ёнган шаҳарлар ва қишлоқларни, хотин-қизлар, кексалар ва гўдакларнинг ғам-алам тўла кўзларини ҳали хотирадан чиқаран эмаслар.

Шунинг учун ҳам тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисмидир. Бизлар мана шунинг учун ҳам мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш соҳасида ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотида айтилган тадбирларни қўллаб-қувватлаб, маъқуллаймиз ва ҳар биримиз ўзимиз ишлаб турган участкада янада зўр ғайрат ва самара билан меҳнат қиламиз, токи Ер юзида тинчлик ва тараққиёт таянчи бўлган кўп миллатли Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда мудофаа қудрати янада ўссин.

Рифқат ТЎҚАЕВ,
Уччала даража Шуҳрат орденлари кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ҚАТЪИЙ ИШОНЧ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Ғарбий Европада Америкаиинг янги ядро ракеталари жойлаштирила бошланганлиги муносабати билан берган Баёноти бизларда Совет раҳбарлари мамлакат хавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан кўраётган тадбирлар туфайли социализмга қарши «салб юриши» ташкилотчиларининг маккорона режалари барбод бўлишига қатъий ишонч ҳосил қилди.

Совет қишилари тинчлик бизга қанчалик қимматга тушганлигини яхши биладилар ва биз тинчликнинг бузилишига йўл қўймаймиз.

Тинчлик тўғрисидаги, ўз фарзандларимизнинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрлик бизларни сезгирликни оширишга, социалистик Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини юксалтиришга қўшаётган ўз ҳиссамизни кўпайтиришга мажбур этади. Уруш оловини ёқувчиларнинг хатарли ниятларини барбод этишга қаратилган тадбирларни тезроқ амалга ошириш учун бизлар янада яхшироқ меҳнат қиламиз.

Бу йил мен ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажардим. Мен ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини конкрет ишлар билан қўллаб-қувватлашни ўз ватанпарварлик бурчим деб ҳисоблайман. 1985 йилда ўн йиллик топшириқни бажариш ва цехдаги ўртоқларимга ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишда кўмаклашишга сўз бераман.

З. КАТТАБЕКОВА,
Тошкентдаги «Миконд» заводининг ишчиси.

РАЙОН ВА ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

МУСОБАҚА ФОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

БЕКОБОД

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган даври давомида шаҳар саноат корхоналарида пландан ташқари 12 миллион сўмлик турли хил маҳсулот тайёрланди. Ишлаб чиқариш ҳажми 18,9 процентга ўсди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Эришилган ютуқларда В. И. Ленин номли металлургия заводи, «Металлист» заводи, Ф. Э. Дзержинский номли цемент комбинати ва бошқа корхоналар коллективларининг муносиб ҳиссалари бор.

Ўзбекистон металлургия заводида 69 та ташкилий-техникавий тадбирнинг амалга оширилиши 3,4 миллион сўмлик иқтисодий самара берди. Новаторларнинг 5 миллион сўмлик иқтисодий самара берувчи 2,5 мингдан ортиқ ихтирочилик таклифлари ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ўтган йили завод турдош корхоналар ўртасида ўтказилган ихтирочилик бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида пешқадамликни қўлдан беришмаётир. Комбинат аҳли илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда маҳсулот сифатининг яхшиланишига муваффақ бўлмоқда. Эндиликда маҳсулотнинг 60 проценти Сифат белгисига эгадир.

Шаҳар корхоналарида коллектив пудратининг жорий этилганлиги ижобий самара бермоқда. Ҳозирги кунда мавжуд 593 та ишлаб чиқариш бригадаларидан 431 таси ёки 63 проценти пудрат усулида иш олиб боряпти. Хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бундан кейин ҳам меҳнатни ташкил қилишда бригада пудратини кенг жорий қилишлари, пировард натижага қараб ҳақ тўлашни такомиллаштиришлари лозим.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари О. С. Иброҳимов ва музокарада сўзга чиққан металлургия заводи партия комитетининг секретари М. Жамолиддинов, цемент комбинати директори А. Ибобеков, «Ўзбекметаллургстрой» трестининг 306-кўчма механизациялашган колоннаси комплекс бригадаси бошлиғи, цех партия ташкилоти секретари А. Игнатьев, 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, партбюро секретари В. Иванова ва бошқа делегатлар ютуқларни мустаҳкамлашда социалистик мусобақа муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Дарҳақиқат, шаҳар партия комитети ўзаро меҳнат беллашувини намунали ташкил этишда изчиллик билан иш юритмоқда. Айни вақтда 28 минг ишчи мусобақада фаол иштирок этмоқда. Улардан 9,5 минг киши коммунистик меҳнат зарбдоридир.

Шаҳар партия комитети ўз бюросида Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги шарафига беш йиллик планни муддатидан олдин адо этиш юзасидан 39 нафар коммунист бошлаган ташаббусни маъқуллаб, барча коллективларда уларнинг иш тажрибасини кенг ёйишга катта эътибор берди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, металлургия заводи ишчиси Р. Зикриев, темирйўл ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳайдовчиси Э. Иброҳимов, 16-автокорхона ҳайдовчилари — Ленин ордени кавалери Ҳ. Абдужабборов, «Халқлар Дўстлиги» ордени кавалери Н. Ким, тикувчилик фабрикаси ишчилари Р. Сидорова, Г. Абдукаримова сингари илғор коммунистлар ўз сўзлари устидан чиқиб, ҳозир XII беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Лекин ҳамма жойда ҳам коммунистлар авангардлиги сезилмаяпти. Ишлаб чиқаришда ҳалқ ҳал қилиниши лозим бўлган кўпгина муаммолар бор. Ўзбекистон металлургия, «Бекабадцементмонт», пахта тозалаш заводлари, темир-бетон буюмлари ва қурилиш материаллари комбинати, бинокорлик материаллари корхоналари беш йиллик планида белгиланган ўсиш суръатларидан ортда қолмоқдалар. Натижада халқ хўжалигига 93,5 минг тонна пўлат, 2,5 минг тонна сирланган идишлар, 2,8 минг тонна пахта толаси, 16,8 миллион дона ғишт кам етказиб берилди.

Капитал қурилиш соҳасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Чунончи, металлургия заводининг янги «300»-станини барпо этишда иштирок этаётган «Ўзбекметаллургстрой» трестида бригада пудрати суст жорий этиляпти.

Ҳозир 95 та бошланғич, 101 та цех партия ташкилотлари, 104 та партгруппаларга 3624 нафар коммунист бирлашган. Шаҳар партия комитети уларнинг актив ёрдамига таянган ҳолда оммавий-сиёсий, идеология ишларини юқори поғонага кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Партия ташкилотларининг 90 нафар сиёсий докладчилари, шаҳар партия комитетининг 19 нафар штатсиз лекторлари ва 6 та ахборот группаси, 2 минг агитатор ва сиёсий ахборотчилар, «Билим» жамиятининг 1362 нафар аъзоси омма орасида кенг кўламда ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Жойларда ишлаб турган 16 та халқ университетларида 3 мингдан ортиқ киши шуғулланмоқда. Бундан ташқари Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан таклиф этилаётган малакали мутахассислар Коммунистик партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатига доир суҳбатлар ўтказиб турибдилар. Оммавий-сиёсий ишларни ривожлантиришда мактабларда, клубларда, маданий муассасаларда ташкил қилинган 23 та агитучасткалар ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳисобот даврида шаҳар партия комитети ўз пленумлари ва бюроларида партия ташкилоти секретарларининг ҳисоботларини тинглаб борди, партия сафини сифат жиҳатдан мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Уч йил мобайнида партия сафи 472 кишига кенгайди. Металлургия заводи, цемент комбинати, темирйўл ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бекобод монтаж бошқармаси, «Промтехмонтаж» участкаси ташкилотлари бу жиҳатдан катта иш олиб бордилар. Бироқ, айрим коллективларда партиявий топшириқларнинг бажарилиши етарлича назорат остига олинмаган. КПСС устави талабларини бузган 35 коммунист, партия ташкилотлари билан алоқани узиб қўйган 28 коммунист КПСС сафидан чиқарилди. Кандидатлик даврида ишончни оқламаган 7 киши партия сафига қабул қилинмади.

Шаҳар партия конференциясида ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни ошириб бажаришга кўмаклашувчи фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Конференцияда область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский нутқ сўзлади.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети план ва молия органлари бўлими мудири И. К. Ҳуснуддинов иштирок этди.

Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Ташкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **О. С. Иброҳимов** — Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **С. Д. Мокин** — шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **Т. Я. Воронина** — шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. ҲАЙДАРОВ.



● Тошкентдаги «Малика» триотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулот сифатли бўлиши учун ҳар бир ишчи ҳаракат қилади. Комсомол аъзоси Нури Расулова шундайлардан биридир. У ҳозир шахсий графикдан бир неча ой илгарилаб меҳнат қиляпти.

Суратда: М. Расулова.

М. Нуриддинов фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НИНГ ЯНГИ АНГРЕН ГРЭСИДАГИ МУХБИРЛАР ПОСТИ ҲАБАР ҚИЛАДИ

ТАЙЁРГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯНГИ Ангрен ГРЭСи яқинида қад ростлаган Нуробод шаҳарчаси қун сайин ободонлашиб бормоқда. Бу ерда шу йилнинг ўзида қуриб битказилган янги турар-жой биноларн, маданий-маиший объектлар, боғча ва мактаблар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Бу кичик турар-жой массиви ҳақиқий шаҳар тусига кириб қолган бўлсада, унинг қурилиши авжида. Нурхона қурилиши билан бир пайтда Нуробод ҳам кенгайиб боряпти. Бугунги кунда бу ердаги қурувчи ва монтажчиларнинг барча ҳаракатлари ГРЭСни ҳам, шаҳарни ҳам қишли-қировли кунларга пухта тайёрлашга қаратилгандир.

Электр станциясидаги бу йилги қиш мавсумининг ўзига хос томони бор. Аниқ ишлаб чиқилган қурилиш графигига мувофиқ декабрь ойида бу ерда бош корпуснинг қозонхонаси ва бурхона бўлими монтаж қилина бошланиши керак.

Монтаж ишларининг технологиясига кўра айни шу пайтда атроф-муҳит қамида 5 градус иссиқ бўлиши талаб этилади. Демак, барча ҳаракатларни ана шу шароитни яратишга қаратиш лозим. Қурувчилар ҳам, монтажчилар ҳам, республикамизнинг янги нурхонасидан фойдаланувчилар ҳам барча кучларни шунга сарфлаяптилар.

Қурилиш объектини ҳам, айни пайтнинг ўзида Нуробод шаҳрини ҳам қиш мавсумида иссиқлик билан таъминлаб туриш вазифаси қозонхонани ишга туширишсозлаш коллективи зиммасига юкланган. Яқиндагина бу ерда анча кам харажат талаб қиладиган иккита сув иситиш қозонхона-бурхонаси монтаж қилиб бўлинди. Уларнинг ҳар бири бир соат ичида объектларга 35 минг гигакалорий иссиқлик энергияси етказиб бериш қувватига эга.

Мана шу янги қозонхоналар ҳамда ҳозиргача ишлаб турган учта қозонхона биргаликда қаҳратон қишда ҳам монтаж қилинадиган зонада зарур ҳароратни яратиш ҳамда қурилмаларни ўрнатиш бўйича ишларни узлуксиз олиб бориш имконини беради.

Иссиқлик билан таъминлаш иншоотларида меҳнат қиладиган кадрлар қозонхоналардан қиш мавсумида фойдаланишнинг ўзига хос томонларини ўрганиш мақсадида махсус курсларда ўқидилар. Навбатчи слесарь З. Тошматов, қозонхона машинисти В. Дубасов, катта машинистлар Л. Аразова ва А. Вангайлар учун бу янгилик эмас. Улар бир неча бор қиш мавсумида қозонхоналарга хизмат кўрсатганлар. Улар ёш ишчиларга ўзларининг бой тажрибаларини ўргатишяпти.

Албатта, қишга фақатгина қозонхона ишчи-хизматчилари тайёргарлик кўрдилар, десак тўғри бўлмайди. Ремонтчилар ҳам, монтажчилар ҳам анча тер тўкдилар. Масалан, А. Голубенко ва В. Скрипин сингари мутахассис ишчилар насос қурилмасини жорий ремонт қилдилар, иккита энергетик қозонлар, бурхона арматуралари, сувларни кимёвий тозалаш қурилмаси, саноат районидаги ҳамда Нуробод посёлкасидаги иссиқлик тармоқларини ремонт қилдилар. Бош корпусда ҳам бир мунча ишлар бажарилди. Бу ерда доимий иситиш тармоқларидан ташқари бир неча ёрдамчи-резерв иситиш воситалари ҳам монтаж қилинади.

Бунёдкорлар қишли-қировли кунларга ҳар томонлама тайёргарлик кўришяпти. Чунки улар бу мавсумга пухта ҳозирлик кўрмаслик ёмон оқибатларга олиб келишини ўз тажрибаларида бир неча бор синаб кўришган. Шу сабабли ҳам бугун-эрта монтаж қилиниши мўлжалланган қурилмаларни ўрнатиш табиат инжиқликлари туфайли чўзилиб кетмаслиги учун барча зарур чоралар кўрилмоқда.

В. ДВОРОВЕНКО,
«Тошкент ҳақиқати»нинг Янги Ангрен ГРЭСидаги мухбирлар пости аъзоси.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

ҒАЛАБА

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун курашаётган район меҳнаткашлари халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Саноат корхоналари коллективлари ўн биринчи беш йиллик бошидан буён 229 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилишди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун авж олган социалистик мусобақада Гул, Кетмонтепа луб заводлари, «Огонёк» совхозининг виночилик заводи ишчи-хизматчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар ҳозирнинг ўзида беш йиликнинг уч йили планини адо этиб қўйдилар.

Районда капитал қурилиш кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери 26 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Қурувчилар «Сергели» совхоз-саноат комплексида 308 она чўчқага, Волков номли совхозда 3 минг бош ғунажинга мўлжалланган комплексларни фойдаланишга топширдилар. Бу давр мобайнида умумий саҳни 30 минг квадрат метрли турар-жойлар, 1656 ўринли мактаблар, 920 ўринли болалар боғча-яслилари, 165 ўринли касалхона ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб битказилди.

Бироқ, Ғалаба район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари Ю. Т. Толипов ҳам, музокараларда сўзга чиққан делегатлардан «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Э. Алиев, «Баликчи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси К. Абдусаломова, район маиший хизмат кўрсатиш комбинати партия ташкилотининг секретари М. Бозорова, «Сергели» совхоз-саноат комплексининг оператори Г. А. Морозова ва бошқалар ҳам ҳали мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлигини, ишда жиддий камчиликлар мавжудлигини алоҳида таъкидладилар.

Райондаги 5 та саноат корхонасида план топшириқларини бажаришда қолоқликка йўл қўйиляпти. Улар фақат шу йил бошидан бери белгиланганидан 1 миллион сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқардилар. Айниқса, Новожизненский, Солдатское, Тошовул луб, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқариш самарадорлиги паст.

Корхоналарда меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан ўсмоқда. Шуни айтиш кифояки, ўтган уч йил мобайнида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги 0.6 процентга кўпайди, холос. Бунинг асосий сабабларидан бири ишлаб чиқаришга фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси суст жорий қилинаётганлигидадир. Ҳозир район корхоналаридаги ишчиларнинг атиги 17 проценти бригада пудрати усулида ишламоқда. Шу йилнинг ўзида корхоналар сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилганлигидан 500 минг сўмлик зарар кўрди.

Капитал қурилишни ҳам кескин яхшилаш талаб этилади. Ҳисобот даврида районда 4 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилмади. Шу туфайли 6 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади.

Беш йиллик бошидан бери район қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш фондлари 25 процентга ортди. Аммо унинг самараси кўзлангандек бўлмаяпти. Колхоз ва совхозларда тухум, мева-сабзавот, пилла тайёрлаш бўйича беш йилликнинг уч йили планлари ошириб бажарилганлигига қарамай қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларида қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Ҳозиргача районда 52 минг 50 тоннадан кўпроқ ёки план топшириғида белгиланганидан 600 тонна кам пахта тайёрланди. Бу йил 13 та пахтачилик хўжалигидан фақат 5 таси планини бажарди, холос. Райондаги 169 та пахтачилик бригадасидан биттаси ҳам бу йилги социалистик мажбуриятини уддалай олмади. Улардан фақат 78 таси планни бажарди.

Конференцияда бунинг сабаблари чуқур таҳлил этилди. Хўжаликларда агротехника тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилмади. «Москва», Ленин номли, Свердлов номли колхозларда, Киров номли ўқув хўжалиги пахта далаларида бегона ўтларнинг кўпайиб кетганлиги ҳосилга катта путур етказди.

Канопчилик ҳам район қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир. Давлатга бу қимматли хом ашё топшириш бўйича беш йилликнинг уч йили плани бажарилди. Аммо бу йилги план уддаланган йўқ. «Москва», Ленин номли, Ҳамза номли колхозларда, «Коммунизм» совхозида каноп ҳосилдорлиги пастдир. Ваҳоланки, районда ҳар гектар ердан 220—240 центнердан каноп пояси олаётган илғорлар оз эмас. Лекин партия ташкилотлари илғорлар тажрибасини кенг ёйишга етарлича эътибор бермаяпти.

Ишдаги камчиликлар партия ташкилотларининг кадрларга нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаётганликлари оқибати ҳамдир. Ҳисобот даврида 19 раҳбар кадр ўз вазифасидан бўшатилди. Партия ташкилотлари ҳар бир раҳбар ходимнинг, коммунистнинг топширилган иш учун масъулият ҳиссини кучайтириш чораларини кўришлари керак.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) ва июнь (1983 йил) Пленумлари талаблари асосида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш масалаларига ҳам батафсил тўхталдилар. Ҳозир корхона ва хўжаликлар, ташкилот ва муассасаларда 96 та бошланғич, 126 та цех партия ташкилотлари, 80 та партия группаси фаолият кўрсатмоқда. Улар атрофига 3188 коммунист бирлашган. Кейинги пайтларда партия аъзоларининг активлиги кучайди. Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда коммунистлар томонидан 300 та қимматли таклиф ва танқидий мулоҳазалар билдирилди.

Шу билан бирга қатор партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга бўш раҳбарлик қилмоқдалар. Меҳнат коллективларида идеологик, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш ҳам талаб этилади.

Конференция қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Баёнотини яқдиллик билан тўла-тўкис маъқулладилар ҳамда Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун фидокорона меҳнат қилишларини билдирдилар.

Конференцияда район партия ташкилоти ревизия комиссияси раиси М. А. Шегайнинг доклади ҳам тингланди.

Конференцияда халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, область агросаноат бирлашмасининг раиси С. Т. Тошқулов нутқ сўзлади.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов иштирок этди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Ғалаба район партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **Ю. Т. Толипов** — район партия комитетининг биринчи секретари, **О. Қ. Турғунбоев** — район партия комитетининг иккинчи секретари, **Г. А. Аседова** — район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

ЯНГИОБОД

Янгиобод шаҳар партия конференцияси бўлиб ўтди. Конференция делегатлари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. М. Тимофеевнинг ҳисобот докладини, шунингдек, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссияси раиси С. Раҳмоновнинг докладини тинглаб муҳокама қилдилар.

Конференция қатнашчилари ҳисобот даврида бажарилган ишларни танқидий кўз билан таҳлил қилиб, келгусида бажариладиган вазифаларни конкрет белгилаб олдилар. Сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг яқинда матбуотда эълон қилинган Баёнотини қизғин қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Улар мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш йўлида яна ҳам самарали меҳнат қилишга аҳд қилганликларини билдирдилар.

Конференцияда Тошкент область партия комитети бюросининг аъзоси, область бўйича давлат хавфсизлик комитети раиси Т. З. Орипов нутқ сўзлади.


Конференцияда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди, шаҳар партия комитети, шаҳар партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, Тошкент область XXI партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Янгиобод шаҳар партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда **К. М. Тимофеев** — шаҳар партия комитетининг биринчи секретари, **Т. Йўлдошев** — шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари, **Г. И. Кукушкина** — шаҳар партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

НОМЕРГА РЕПОРТАЖ

ТОШКЕНТ СОАТЛАРИ





Пойтахтимизнинг Маннон Уйғур кўчасидаги 626-уй. Улкан чорраҳанинг ёнгинасида жойлашган бу бинода соатсозлик цехи ишлай бошлади. Ҳозир бу ерда 22 нафар малакали мутахассис меҳнат қилаётир. Икки қатор қилиб ўрнатилган ҳамда махсус аппаратлар билан жиҳозланган дастгоҳларда иш қизғин бормоқда. Ишчилар эпчиллик ва эҳтиёткорлик билан соат қисмларини йиғмоқдалар.

— Бизнинг цех Орёл шаҳридаги «Янтарь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали сифатида очилган эди, — дейди иш жараёни билан танишар эканмиз, корхона директори Ботир Акромов. — Айни кунда эса Тошкент соат заводи қурилиши жадал суръатларда давом этяпти. Дастлабки маҳсулот — «Рубоб» деб номланган 150 дона соатни шаҳар савдо тармоқларига жўнатдик. Улар ўзбек миллий музика асбоби — рубоб шаклида ишланган осма девор соатлари бўлиб, ўзида халқ амалий санъати намуналарини мужассамлаштирган. Шунинг учун бу соатлар харидорларга маъқул келиб, республикамиз меҳмонларига ўзбек диёридан, шубҳасиз, ажойиб совға бўлади. Янги йилга қадар яна шундай соатлардан яна 1500 дона ишлаб чиқарамиз.

Орёллик тажрибали мутахассислар Тошкент соатсозларига яқиндан ёрдам беришмоқда. Бир группа ишчилар Орёлда ўқиб, соат йиғувчи малакасини эгаллаб қайтишди. Энди эса улар ўз дўстларига устозлик қилишмоқда. Ана шундай йиғувчилардан бири бригадир Анвар Эргашевдир.

— Мен бир гуруҳ дўстларим билан бирга уч ой давомида орёллик ҳамкасбларим тажрибасини ўргандим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Шу давр ичида биз соатсозлик катта маҳорат ва масъулият талаб қиладиган машаққатли ҳунар эканига ишонч ҳосил қилдик. Бизга бу касб сирларини ўргатишда моҳир соатсоз Вячеслав Романчевнинг хизматлари катта бўлди.

Тошкент соат заводи маркази билан биринчи маҳсулот тайёрланган кун «Янтарь» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. М. Минаков бу ерга етиб келди. Биз ундан нима сабабдан «Янтарь»нинг филиалини айнан Тошкентда очишга қарор қилинганлигини сўрадик.

— Маълумки, Ўзбекистон ёғоч ва металл ўймакорлиги санъати билан шуҳрат таратган. Бу соҳада ўзбек халқи жуда бой тарихий тажрибага эга. Биз зиммамизга юкланган вазифаларни яхши уддалаяпмиз. Республика партия, совет ва хўжалик ташкилотлари бизга катта ёрдам бердилар.

Заводни барпо этиш республика Қурилиш министрлигининг 6-трестига қарашли 163-механизациялашган кўчма колонна қурувчиларига топширилган.

— Ишни бригада пудрати асосида олиб боряпмиз, — дейди колоннанинг участка бошлиғи С. Бариев. — Заводнинг дастлабки навбатини келгуси йил бошида ишга тушириш учун барча тадбирларни кўрмоқдамиз.

Тошкент соатсозлари иш бошиданоқ маҳсулот сифатига эътиборни кучайтирмоқдалар. Заводда ташкил этилган контроль-синов станциясида бўлган ҳар бир киши бунга амин бўлади. Бу ерда тайёр соатлар икки ҳафталик синовдан ўтказилиб, ҳар куни уларнинг вақтини аниқ кўрсатиш даражаси қайд қилиб борилади. Белгиланган талабга жавоб бермаган соатлар қайта ишловга топширилади. Станциянинг ташкил этилганлиги соатсозларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини янада оширди. Бу эса дастлабки «Рубоб» типидаги соатларнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Яқин келгусида завод «Союзчаспром»нинг бадиий-техник кенгаши тасдиқлаган «Бургут» ва «Буғи» маркали соатларни ҳам ишлаб чиқара бошлайди.

Юқорида айтганимиздек, соатсозлик цехида иш қизғин. Завод қурилиши эса давом этяпти.

А. ХЎЖАМОВ.

Суратларда: Тошкент соатлари.

А. Тўраев фотоси.

ҚИШ ОФТОБИ ЁРДАМИ БИЛАН

ТОШКЕНТДАГИ 2-темир-бетон маҳсулотлари заводида иситмайдиган қиш офтобидан ҳам фойдаланиш усулини топишди. Уларнинг гелиополигонидаги бетон кузда ҳам, қишда ҳам «етилаверади». Офтоб нури бетонни ёздагидек 70—80 градусга қадар қиздирмайди, албатта. Лекин шаффоф полиэтилен «қалпоқ» остида шу ҳароратнинг чораги ва ҳатто учдан бирини ҳосил қила олади. Қолган иссиқлик металл қолипнинг қўш қават тубига монтаж қилинган электр воситасида иситиш системасидан олинади. Бу системада иссиқлик электр билан иситиш элементларидан ташқари шу элементлар ўртасидаги магнит майдонидан ҳам ҳосил бўлади.

Қиш офтобидан фойдаланиш салмоқли самара берди. Эндиликда бир куб метр бетонни иситишга тахминан 15 киловатт — одатдаги усулга нисбатан анча оз қувват керак.

(ЎзТАГ мухбири).

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

МАҲСУЛДОРЛИК ПАСАЙМАИДИ

● СоюзНИХИ марказий базаси чорвадорлари 1982—83 йил чорва қишловини муваффақиятли ўтказганликлари учун СССР қишлоқ хўжалик министрлигининг I Даражали дипломи билан мукофотландилар. База сут-товар фермаси ходимлари бу йил ҳам қишловга пухта ҳозирлик кўрдилар. Шунинг учун соғин сигирлар маҳсулдорлиги юқори бўляпти. Йиллик сут сотиш плани муддатидан илгари бажарилди. Эл дастурхонига 70 тонна сут тортиқ қилинди.

Бўрдоқибоқарлар эришаётган ютуқлар ҳам қувончли бўлаётир. Сўқимга боқиш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли гўштга топширилаётган ҳар бир қорамолнинг ўртача вазни 585 килограммни ташкил этмоқда. Чорвадорлар гўшт сотиш планини ҳам муддатидан илгари оширдилар. 45 тонна ўрнига 72 тонна гўшт сотилди.

ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИНДИ

● Н. И. ВАВИЛОВ номли Бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали тажриба участкасида картошканинг янги гибрид навидан бир йилда бир майдондан икки марта ҳосил олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 350 центнерни ташкил этди.

Бу нав Жанубий Америкадан келтирилган картошка навини селекцион навлар билан чатиштириш натижасида етиштирилди. Ўзбекистон иқлими шароитида бу картошка етиштиришнинг самараси катта бўлади. Биринчи ҳосил июнь ойининг иккинчи ярмида етилади. Орадан икки ҳафта ўтгач сифатли ҳайдалган майдонга қайтадан картошка экиш мумкин. Иккинчи ҳосил кузда йиғиштириб олинади.

БЕШ ЙИЛЛИК УЧ ЙИЛДА

● «ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Усмон Юсупов номидаги область мукофотининг лауреати Анвар Эгамназаров бошлиқ учинчи бригадаси коллективи бу йил беш йиллик планни бажаришга аҳд қилишган. Юксак мажбуриятга яраша иш олиб бораётган сабзавоткорлар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан пландаги 270 центнер ўрнига 390 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Шаҳарликлар дастурхонига йил давомида 2,5 минг тонна сабзавот ва резаворлар етказиб берилди. Бригадада айниқса картошкадан юқори ҳосил етиштирилди. 650 тонна ўрнига 960 тонна картошка сотилди.

ЁШЛАР ИБРАТИ

● ТЎҒОН Абдурасулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхози бригадалари ўртасидаги социалистик мусобақада ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келяпти. Картошкачиликка ихтисослаштирилган бу бригада азаматлари ҳар гектар ердан пландаги 125 центнер ўрнига 255 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Давлатга 1404 тонна картошка сотилди. Бу йиллик планда белгиланганидан 881 тонна кўпдир.

Ш. ТАЛАЕВ.

ПИРОВАРД НАТИЖАНИ КЎЗЛАБ

ЙИЛИМИЗ охирлаб қолди. Деҳқон йил бўйи қилган меҳнатига якун чиқарадиган дамлар яқин. Бундай кезларда бизнинг олдимизда ўн биринчи беш йилликнинг марказий йилида қандай меҳнат қилдик, халқ хўжалик план ва топшириқлари бажарилаяптими, деган муаммолар кўндаланг бўлади.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, колхозимиз меҳнаткашлари 1983 йилда ҳам чинакамига жасорат кўрсатиб ишладилар. Ҳамма соҳада, деҳқончилик ва чорвачиликда белгиланган вазифалар тўла бажарилди ва бажарилмоқда. Айниқса, энг муҳим тармоқ — пахтачиликда қўлга киритилган муваффақиятлар қувончли бўлаяпти. Ҳозиргача 1365 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта териб олиниб, она-Ватанга 4 минг 750 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Бу ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга топширилди. Йиллик планни районда илғорлар сафида бажардик.

Албатта, бу йилги оғир шароитда бундай натижага эришишнинг ўзи ютуқдир. Лекин биз янада юксакроқ довонларни эгаллашимиз мумкин эди. Бунга, аввало, табиий қийинчиликлар ҳалақит берди. Бу масаланинг бир томони. Шу ўринда яна бир нарсани гапириб ўтмоқчиман. Умуман эндиликда менимча, «табиат қийинчилиги» деган иборани ишлатиш ўринсиз бўлиб қолди. Чунки, деҳқонларимиз табиатнинг ҳар қандай қийинчиликларини кўрдилар ва енгиб ўтмоқдалар. Аслида деҳқон сўзининг асил маъноси ҳам шунда.

Колхозимизда йил бошиданоқ бир мақсад — ўтган йилги натижадан ўзиш учун кураш бошланди. Ана шу мақсад йўлида ҳамма бирдек уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилди. Уруғликни экиш муваффақиятли якунланди. Чигит суви бериш даврида ҳамма сувчига, экинни ўт босган кунларда ҳамма чопиқчига айланди. Парвариш даврида оммавий сафарбарлик эълон қилинди.

Ҳар бир картада биринчи навбатда кўчат бут бўлишига эришишга ҳаракат қилдик. Ғўзанинг ўсиш даврида ҳар бир тадбир юксак сифатли амалга оширилишини таъминладик. Мавсумда экин уч марта озиқлантирилди, 6 марта суғорилди ва 10 марта культивация ўтказдик.

Ёзнинг жуда иссиқ келиши туфайли далаларда заркунанда ҳашаротлар ниҳоятда кўпайиб кетди. Бу ҳосил кушандаларини тугатиш учун энг замонавий усуллар қўлланилди. Биологик ҳамда химиявий воситалар орқали кураш олиб бордик. Натижада ҳосил сақлаб қолинди.

Ҳозирги даврда ютуқни кадрлар таъминлайди. Бу дегани бригадалар колхозчиларимиз ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ишладилар. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Қўчқор Қодиров бошчилик қилди. Очил Орзиқулов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳабибулла Мусабоев, Йўлдош Носиров каби механик ҳайдовчиларимиз ҳам баракали меҳнат қилдилар.

Айни саратон кунларида ҳар қатра сувдан самарали фойдаланиб меҳнат қилган Эргаш Аҳмедов, Ҳасан Бозоров, Сайфак Бахшитов, Ботирбек Ҳамдамов сингари сувчиларимиз экинни ўз вақтида об-ҳаётга қондирдилар.

Бу йилги шароитда юқорида айтганимдек, ҳар бир тадбирни энг қулай муддатда ўтказган деҳқон ютди. Масалан, биз чеканкани асосан механизмлар ёрдамида амалга оширдик. Яъни механизм энг ривожланган ғўзага мослаб созланди. Натижада ҳар туп экинда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Дефолиацияни ОВХ аппаратлари ёрдамида табақалаштирилган усулда амалга оширдик. Шунинг учун машина теримига ўз вақтида кенг иш фронти очилди.

Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли дастлабки кунларданоқ юқори натижаларга эришдик. Бригадалар, механизаторлар, теримчилар, транспорт трактори ҳайдовчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилди. Бунга ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилди.

Айни кунларда колхозимиз деҳқонлари келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашни бошлаб юбордилар. Ҳозир далаларда 4 та озуқа ташувчи механизм ишлаб турибди. Ҳар гектарига 150 килограммдан аммофос, 50 килограммдан калий солиниб, икки яруслн, 3—35 маркали плугларда 40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинмоқда. Иккита грейдер ёрдамида пешма-пеш планировка ишлари амалга оширилмоқда.

Бизнинг асосий экин майдонларимиз паст-баландликлардан иборат. Бу ерларга сув насосларда чиқарилади. Эндиликда бу тепаликларга ариқлар ёрдамида сув чиқариш учун янги лотоклар ётқизишга киришдик.

Колхозимизда машина-механизмлар ремонти ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти. Биз узоғи билан 20 декабргача барча машина ва механизмларни тўла ремонтдан чиқарамиз. Бунинг учун тажрибали ремонтчи-слесарлар ажратилган. 13 та ҳайдов трактори мавсумга тахт.

Ҳали колхозимиз меҳнаткашлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Хўжалигимиздаги 3 та бригадада колхознинг ўртача кўрсаткичидан кам пахта ҳосили олинди. Бу коллективларни ҳам илғорлар сафига олиб чиқиш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бир сўз билан айтганда 1984 хўжалик йилида деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида янада янги ғалабаларни қўлга киритиш учун барча ички резерв ва имкониятларни ишга соламиз.

О. КОВШУТОВ,
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз раиси.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

ТЕРИМ ВА КОММУНИСТЛАР

Пахтачиликда агротехник тадбирни асосан сувчи ҳамда механизатор бажаради. Масалан, биз шароитни ҳисобга олиб, ҳар бир сувдан кейин ғўза қатор ораларига мунтазам 2, ҳатто 3 марта ишлов берамиз. Бу йил ҳар икки сув оралиғида ишлов билан бирга ариқларни экинни озиқлантирдик. Қолоқ участкаларда мўлжалдагидан 1,5 марта кўп маҳаллий ўғит сарфландн. Август ойининг иккинчи ярмигача шарбат сувн оқизилди. Ана шундай кезларда миришкор сувчиларимиз билан механизаторларимиз ҳамкор, ҳамфикр бўлиб ишладилар. Уларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Қўчқор Қодиров бошчилик қилди. Очил Орзиқулов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳабибулла Мусабоев, Йўлдош Носиров каби механик ҳайдовчиларимиз ҳам баракали меҳнат қилдилар.

Айни саратон кунларида ҳар қатра сувдан самарали фойдаланиб меҳнат қилган Эргаш Аҳмедов, Ҳасан Бозоров, Сайфак Бахшитов, Ботирбек Ҳамдамов сингари сувчиларимиз экинни ўз вақтида об-ҳаётга қондирдилар.

Бу йилги шароитда юқорида айтганимдек, ҳар бир тадбирни энг қулай муддатда ўтказган деҳқон ютди. Масалан, биз чеканкани асосан механизмлар ёрдамида амалга оширдик. Яъни механизм энг ривожланган ғўзага мослаб созланди. Натижада ҳар туп экинда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди. Дефолиацияни ОВХ аппаратлари ёрдамида табақалаштирилган усулда амалга оширдик. Шунинг учун машина теримига ўз вақтида кенг иш фронти очилди.

Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилганлиги туфайли дастлабки кунларданоқ юқори натижаларга эришдик. Бригадалар, механизаторлар, теримчилар, транспорт трактори ҳайдовчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа ташкил этилди. Бунга ҳар беш кунда якун ясалиб, ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилди.

Айни кунларда колхозимиз деҳқонлари келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин ҳозирлашни бошлаб юбордилар. Ҳозир далаларда 4 та озуқа ташувчи механизм ишлаб турибди. Ҳар гектарига 150 килограммдан аммофос, 50 килограммдан калий солиниб, икки яруслн, 3—35 маркали плугларда 40 сантиметр чуқурликда шудгор қилинмоқда. Иккита грейдер ёрдамида пешма-пеш планировка ишлари амалга оширилмоқда.

Бизнинг асосий экин майдонларимиз паст-баландликлардан иборат. Бу ерларга сув насосларда чиқарилади. Эндиликда бу тепаликларга ариқлар ёрдамида сув чиқариш учун янги лотоклар ётқизишга киришдик.

Колхозимизда машина-механизмлар ремонти ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти. Биз узоғи билан 20 декабргача барча машина ва механизмларни тўла ремонтдан чиқарамиз. Бунинг учун тажрибали ремонтчи-слесарлар ажратилган. 13 та ҳайдов трактори мавсумга тахт.

Ҳали колхозимиз меҳнаткашлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Хўжалигимиздаги 3 та бригадада колхознинг ўртача кўрсаткичидан кам пахта ҳосили олинди. Бу коллективларни ҳам илғорлар сафига олиб чиқиш учун қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бир сўз билан айтганда 1984 хўжалик йилида деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида янада янги ғалабаларни қўлга киритиш учун барча ички резерв ва имкониятларни ишга соламиз.

О. КОВШУТОВ,
Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз раиси.



ШИЙПОНЛАРДА ВА ФЕРМАЛАРДА

КОММУНИСТИК районидаги «Политотдел» колхозининг Усмон Турсунбоев бошчилик қилаётган бригадасининг дала шийпони ҳар кунгидан гавжум. Бу ерга бригада аъзолари, шаҳарлик ҳаширчилар тўпланишган. Коллектив пахтакорлари районда биринчи бўлиб халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларини бажаришди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 45 центнердан ошиб кетди.

Бугун уларнинг бу ютуқларини шарафлаш учун район маданият бўлимининг агитбригадаси ташриф буюрган. Улар ўзларининг куй, қўшиқ ва рақслари билан пахтакорлар кўнглини хушнуд этишяпти. Айниқса, «Қувониш» вокал-чолғу ансамбли иштирокчиларининг чиқиши деҳқонларда катта таассурот қолдирди. Агитбригаданинг Маҳамат Темирқулов, Суннат Исмоилов, Учқун Назаров, Саноабар Мусаева сингари аъзолари пахтакорларни шарафловчи куй ва қўшиқлар ижро этишди.

Умуман район маданият бўлимининг бу агитбригадаси коллективи пахта йиғим-терими бошлангандан буён график бўйича дала шийпонлари, фермаларда бўлиб меҳнаткашларга хизмат кўрсатишяпти. Улар бугун ўзларининг 150-концерт программаларини намойиш этишмоқда.

— Бизнинг чиқишларимиз дала меҳнаткашларининг яхши дам олиб унумли меҳнат қилишларига ёрдам берса ўз олдимиздаги вазифани бажарган бўламиз, — дейди ансамбль қатнашчиси Маҳамат Темирқулов. — Биз бундан буён ҳам ўзимизнинг янги-янги концерт программаларимиз билан дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатаверамиз.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

● **БЕКОБОД районидаги «Коммунизм» колхози чорвадорлари Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун гўшт-сут ва бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириб бормоқдалар. Сут-товар фермаси ходимлари бу йил эл дастурхонига 336 тонна сут етказиб бериш мажбуриятини қабул қилишган. Хўжаликнинг илғор соғувчилари Матлуба Тошматова (чапда) ва Турдихон Холиқуловалар ҳар бир сигирдан 4500 килограммдан сут соғиб олиш учун курашяптилар.**

П. Эргашев фотоси.

ИЗЛАНИШДА ГАП КЎП

ЎРТА мактабни тугаллаб, етуклик аттестатини қўлга олган кунни Машкура сира унутмайди. Чунки ўша кун Машкуранинг ҳаётида энг бахтли кун эди. Ахир унинг аттестати бошқаларникидан фарқ қилар, устидаги зарҳал ҳарфлар ял-ял ёниб турар эди. Олтин медал билан мактабни тугаллайди-ю, қувонмайдими. У олам-олам шодликка тўлиб, уйга кириб келди. Шукур ака билан Маҳсума опа қизларини қучоқ очиб кутиб олдилар. Ўша куни барча оила аъзолари Машкуранинг севинчига шерик бўлдилар.

Онасининг яхши тилаклари Машкуранинг орзуларига қанот бағишлади. 1960 йили Машкура Туробова Тошкент Давлат университети филология факультетининг студенти бўлишга муваффақ бўлди.

Халқ оғзаки ижодини ўрганиш мақсадида студентлар ёзги таътил ойлари республикамиз бўйлаб саёҳатлар уюштиришар, қишлоқларда, маҳалла-кўйларда, узоқ яйловлардаги чўпон ўтовларида бўлишар эди.

Қайсидир йили улар Фарғона областидаги Бувайда район Жов қишлоғида бўлишди. Хонадонларни айланиб юриб, халқ қўшиқлари, матал, масал, мақоллар, эртак ва достонларни йиғишар эди. Бу ерлардаги кишиларнинг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллилиги, уларнинг санъатга, адабиётга бўлган иштиёқи, халқнинг ижоди нақадар бой эканлиги студентларни ўзига ром этган эди. Айниқса, 80 ёшлар атрофидаги бир кампирнинг хонадонига кирган кунлари, ўша кунги суҳбат Машкуранинг кўнглида ўчмас из қолдирди. Сайдиниса ая Холматова ёши ўтиб қолган, ўзи саводсиз бўлишига қарамай жуда билимдон экан. У бюк адабиёт намоёндаларининг асарларидан ташқари, халқ оғзаки ижодидан ўлан, лапарларни ёддан айтиб, ширали овози билан ҳаммани ўзига маҳлиё қилган эди:

Дарёларди ул юзида бир туп ғўза,
Бир туп ғўза тагларида тилла кўза.
Тилла кўза кўтарганн билак қани.
Ёр-ла лапар айтишганн юрак қани.

ЁШ ОЛИМАЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ана шундай ажойиб лапарлар, достон ва эртаклар турли мақол ва маталлар эшитиб халқ ижодининг бой ва чуқур мазмунлилигини ҳис қилган Машкуранинг қалбида диалектология фанига ҳавас уйғонди.

Машкура университетни тугаллагач, унга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига ишга йўлланма беришди.

Ушандан буён Машкура Туробова Фанлар академиясининг илмий ходими. У ҳозир ўзбек шевалари синтаксиси бўйича иш олиб боряпти. Бу соҳа ўзбек диалектологиясида ҳали ишланмаган янги соҳа ҳисобланади. Машкура опанинг 1972 йилда ёқлаган кандидатлик иши ва ҳозирда қилинаётган «Ўзбек шеваларида гап бўлагларининг таркиби», «Тошкент области ўзбек шевалари» (синтаксис қисми) ўзбек диалектологиясида ягона илмий ишлардир. Айниқса, 1982 йилда «Фан» нашриётига топширилган «Ўзбек шевалари синтаксиси» монографияси фақат ўзбек диалектологиясидагина эмас, балки туркий тиллар диалектологиясида қилинган биринчи илмий ишдир. Унинг бир неча илмий мақолалари матбуотда эълон қилинган. Машкура опа ҳамма нарсага улгуради. Уни ҳамиша иш устида учратасиз. У Бутуниттифоқ миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда, III Бутуниттифоқ тюркологларининг конференциясида, туркий тиллар диалектологларининг VIII, IX Бутуниттифоқ регионал конференцияларида ўзининг докладлари билан иштирок этди.

Машкура Туробова ҳақида ЎзССР Фанлар академиясининг академиги, А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ўзбек диалектологияси бўлимининг мудири Шоназар Шоабдураҳмонов шундай дейди:

— Бўлимимиз ходимлари орасида Машкура Туробова меҳнатсеварлиги, камтарлиги билан ажралиб туради.

Мана, ўн бир йилдирки, у фан кандидати. Машкура ўзбек шеваларининг айрим ўрганилмаган масалалари бўйича илмий ишлар олиб борди, мунтазам равишда диалектологик экспедицияларга қатнашди. Мен унинг бу ютуқлар билан чекланиб қолмай, ўзига нисбатан талабчанликни янада оширишига ишонаман.

М. ШАРИПОВА.

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

● БЕРЛИН. Американинг биринчи зарба беришга мўлжалланган ракеталарининг Европада жойлаштирилиши дарҳол тўхтатилиши ва бекор қилиниши керак. Шундай қилинган тақдирда иккинчи томоннинг жавоб чораларига эҳтиёж қолмайди ва ракета запасларининг тенглиги негизида қитъада бутун ракета қуролини тугатишга киришиш мумкин бўлади. Европа мамлакатларидаги христиан-католиклар Берлин конференциясининг халқаро комитети мажлисида қабул қилинган даъватномада шундай деб айтилган. Мажлисда 22 мамлакатнинг вакиллари иштирок этишди.

Католиклар барча тинчликсевар кучларга мурожаат қилиб, уларни қуроллаиш пойгасини дарҳол тўхтатиш учун курашга чақирдилар ва Европада ядро қуролидан ҳоли зона яратиш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаганликларини билдирдилар. (ТАСС).

МАРОКАШ КОММУНИСТЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

● РАБОТ. Марокашда Марокаш Коммунистик партияси тузилганлигининг 40 йиллиги кенг нишонланмоқда. Касабланка шаҳрида Марокаш коммунистлари юбилейига бағишлаб виставка очилди ва маданият ҳафталиги тантанали вазиятда бошланди. Шу маросимда чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари, шу жумладан КПСС делегацияси қатнашди.

Марокаш тараққиёт ва социализм партияси (МТСП) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Лайяши ҳафталикнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, бу юбилей партия аъзолари ва унинг тарафдорлари учунгина эмас, балки бутун Марокаш халқи учун, биринчи навбатда ишчилар синфи, деҳқонлар ва тараққийпарвар зиёлилар учун ҳам муҳим сиёсий аҳамиятга эгадир, чунки бу партия уларнинг манфаатлари ва орзу-умидларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, деб айтди. (ТАСС).

Халқаро ҳаёт

СОВЕТ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТЎЛА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ


● ВАРШАВА. ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Совети Раиси В. Ярузельский кончилар куни муносабати билан Забже шаҳрида бўлиб ўтган тантанали мажлисда сўзга чиқиб бундай деди: социалистик Польша тинчлик ишини изчиллик билан ҳимоя қилаётган, давлатимиз чегаралари дахлсизлигининг ишончли гарантияси бўлган Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини тўла равишда қўллаб-қувватлайди.

Биз, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг 24 ноябрдаги Баёнотини туғри ва ўз вақтида деб ҳисоблаймиз. Бу Баёнотда ядро урушининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш бўйича конструктив таклифлар ўртага ташланди. Бу таклифлар ҳар бир инсоннинг ҳаёт ва тинч меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган




● БАТУМИ. Батуми машинасозлари ва Вьетнам Социалистик Республикаси чой саноати ходимларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Шу йилнинг ўзида машинасозлар ВСР чой фабрикалари учун 450 минг сўмлик машина ва қурилмалар етказиб берадилар. Ҳозир корхонада қардош мамлакат буюртмалари бажарилаётир. Суратда: чой баргини қайта ишлайдиган машинани йиғиш пайти.

Она-Ватан бўйлаб



● НОВГОРОД. Россиянинг қадимий бу шаҳрига келгуси йил 1125 йил тўлади. Бу ердаги архитектура ёдгорликлари шаҳарнинг узоқ ўтмишидан ҳикоя қилади. Суратда: Новгород Кремли.



● КУЙБИШЕВ ОБЛАСТИ. Тольяттидаги Волжск автозаводи маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли бурчакларига поезд, махсус автоприцеплар билан бирга автомобиль ташийдиган судноолар ёрдамида ҳам етказиб берилаётир. Ана шундай судноларнинг бири — «Жигули» ҳар рейсда Волга ва Кама портларига 500 га яқин автомобилни олиб боради. Суратда: автомобиль ташийдиган судно навбатдаги рейсда.

(ТАСС фотохроникаси).

БИЗНИНГ АХБОРОТ

УСТАХОНА ИШ БОШЛАДИ

Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхозда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланмоқда. Яқинда хўжалик марказида янги сартарошхона ва пойабзал ремонти устахонаси иш бошлади. Сартарош Туроб Ёқубов, этикдўз Унгарбой Усмоновлар қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатяптилар.

Қ. ҒУЛОМОВ.

30 ОИЛА ЯНГИ УЙДА

ОҚҚУРҒОН. Райондаги «Ленинобод» колхозининг қишфаси йилдан-йилга ўзгармоқда. Инл сайин колхоз экономикасининг мустаҳкамланаётганлиги янги-янги уй-жойлар, йўллар, мактаб бинолари, касалхоналар қуриш имконини бермоқда.

Яқинда колхоз правлениеси 30 оилага янги қурилган шинам уйлар калитини топширди. Ҳаммом, чойхона ҳам яқинда фойдаланишга топширилади.

Колхозда кейинги вақтда қуриб, ишга туширилган қишлоқ хўжалик машиналарига мўлжалланган гаражда механизаторлар учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Т. ЗОКИРОВ.

ФАБРИКА МАҲСУЛОТЛАРИ

Калинин районидаги хўжалик рўзғор буюмлари фабрикаси янги турдаги маҳсулотлар — чойнак ва пиёла ишлаб чиқара бошлади. Уларнинг оригинал формаси, чиройли безатилиши харидорларга маъқул бўлаётир. Шунингдек корхоналарда декоратив кўзалар, гулдонлар ҳам тайёрланмоқда. Шу кунга қадар савдо тармоқларига 20 минг сўмлик ана шундай буюмлар жўнатилди.

Д. БИАРЕЛОКОВА.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ЦИРК ЮЛДУЗЛАРИ»

«СУВ ЖОЗИБАСИ» АТТРАКЦИОНИ

(икки бўлимда)

Раҳбар: РСФСР халқ артисти, халқаро ва Бутуниттифоқ конкурслари лауреати, Европа ва халқаро «иллюзиончилар лигаси»нинг юксак мукофоти «Сеҳрли тилла таёқча» совриндори.

Илья СИМВОЛОКОВ.

Москва цирки масхарабоз лари — Зиновий МАЛКОВ, Александр ТЯПИЦИН доимо хизматда.

Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассалари ишламоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

14 январь—4 февраль кунлари

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИНИНГ

КАТТА ТОМОШАЛАРИ

«МУЗ УСТИДА БАЙРАМ»

ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

ПРОГРАММАДА ҚАТНАШАДИЛАР:

Жаҳон ва Европа биринчиликларининг беш карра кумуш медаль совриндори, Олимпиада ўйинларининг кумуш медаль совриндори халқаро классдаги СССР спорт мастери

Людмила СМИРНОВА

Олимпиада ўйинлари ва жаҳон, Европа биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери

Алексей УЛАНОВ

РСФСРда хизмат кўрсатган артистлар: И. ФИЛИППОВА, Л. ЛИТВИНЕНКО, А. ЯКОВЛЕВ; СССР Кубоги эгаси, СССР спорт мастери А. ПОГОДИН ва бошқалар.

БОШ БАЛЕТМЕЙСТЕР — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстерларнинг Бутуниттифоқ конкурси лауреати Константин РАССАДИН.

ТОМОШАЛАР: 14, 17, 18, 19, 20, 24, 25, 26, 27, 31 январь, 1, 2, 3 февраль кунлари соат 19.30 да; 15, 21, 22, 28, 29 январь ва 4 февраль кунлари соат 16.30 ва 19.30 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Кассалар ҳар куни соат 14 дан 19.00 гача ишлайди

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:

КАССА — 46-03-12, 46-70-31;

АДМИНИСТРАТОР — 46-68-77, 46-07-53.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8, 9 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КУРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА.

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Ўктам АҲМЕДОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Фируза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЁЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ «ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати — Равшанов ШАРИПОВА.

Музика раҳбари — Асқарали ҲИДИРОВ.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ВАЛФАЖР»

ШОИР Муҳаммад Солиҳнинг номи адабиёт ихлосмандлари орасида борган сари танилиб бормоқда. Ижодкорнинг кейинги йилларда эълон қилган «Бешинчи фасл», «Оқ қўйлаклар», «Қудуқдаги ой» шеърий тўпламлари фақатгина шеърият мухлислари ўртасидагина эмас, балки таниқли шоир ва адабиётшунос олимларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Муҳаммад Солиҳ шеърларининг ўзига хос хусусияти шундаки, ижодкор Ватан ва инсон тақдири, ҳаёт гўзалликлари ва мураккабликлари, дўстлик ва муҳаббат мавзуларига мурожаат этар экан, шеъриятимиздаги анъанавий образларга ижодий ёндашган ҳолда, поэтик тафаккурнинг янги-янги имкониятларини очишга, ҳаёт ҳодисалари ва предметлар моҳиятини ўзига хос поэтик ифодалар воситасида тадқиқ этишга ҳаракат қилади. М. Солиҳнинг «Валфажр» номли янги тўпламига шоирнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари жамланган бўлиб, мазкур китоб ҳам муаллифнинг ўзига хос ижодий изланиш йўлидан бораётганлиги билан китобхонлар эътиборини тортади.

«КЕЛАЖАККА ИШОНИБ»

ИСМОИЛ Маҳмуд умидли қаламкашлар сафида бораётган ижодкорлардан биридир. Унинг «Шуъла» номли илк шеърий тўплами 1979 йилда чоп этилган эди. Шундан сўнг у Бенгалиянинг оташин шоири Назрул Ислом шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, уларни «Инсон» номи билан китобхонларга тақдим қилди.

Исмоил Маҳмуднинг мазкур тўпламидан шоирнинг янги шеърлари ўрин олган бўлиб, ижодкор ҳаётнинг турли-туман воқеа-ҳодисалари, онаюртимизнинг ўзига хос манзаралари, халқимизнинг ўтмиши ва бугунги турмушини тараннум этишга интилади. Янги китобдаги шеърлар шоирнинг ижодий изланишлари кенгайиб бораётганлигидан гувоҳлик беради.

«ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ»

Владимир Богомоловнинг мазкур китобида 1944 йил ғарбий Белоруссия ва Болтиқ бўйи фронти орқасида фашист агентлари гуруҳи яширинча қўпорувчилик ишлари олиб борганликлари, жосусларни фош этиш борасида совет чекистларининг қаҳрамонона ҳаракатлари ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Романни русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржима қилган.

Бу китоблар Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиқди.

МУНОЗАРАГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

САНАМЖОН ВА ТИЛЛА БИЛАГУЗУК

САНАМЖОННИНГ умри ҳазон бўлди. Ҳали вояга етмаган олти фарзанд онадан етим қолди.

У ёш, гўзал жувон эди.

Санамжон балоғат ёшига етар-етмай турмушга чиққанди. Севганига — ўзи каби келишган, суқсурдай йигит Полвонназирга.

Улар ўн тўққиз йил бир ёстиққа бош қўйиб ҳаёт кечиришди. Бири-биридан ширин ўғил-қизлар кўришди.

Энди эса... ўша суқсурдай йигит Санамжоннинг суюкласи, салкам йигирма йиллик турмуш ўртоғи Полвоннозир қора курсида ўтирибди! Э-воҳ, у... Санамжоннинг қотили!..

Нега? Нега? Нега?

Бу саволлар воқеага алоқадор, ундан хабардор бўлган ҳар бир кишининг миясида чарх уради, қийнайди, азоблайди. Айниқса, юристларни. Улар айбдорни, жиноятчини жазолашлари керак. Жазолашдан олдин эса «нега?» деган саволга аниқ, объектив жавоб топишлари керак.

Хўш, нега?

Афсуски, узоқ тергов жараёнида бу саволга арзирли, «салмоқли» жавоб топилмади. Йўқ, бу саволга жавоб берадиган сабаб очилмай, яшириниб қолгани учун эмас, бу сабаб ниҳоятда арзимас, юзаки бўлгани учун...

Бир қараганда шундоқ. Жанжал иккита тилла билагузукдан чиққан. Хотин ундан тилла тиш ясатиб қўйдирмоқчи бўлган, эр рози бўлмаган. Жанжал. Фожиа...

Бор гап шу. Бир қараганда шундоқ — арзимас воқеа. Одам ўлдиришга, яна кимни — ўз хотинини, олти фарзандининг онасини ўлдиришга арзимайдиган воқеа.

Бироқ, шу воқеа устида чуқурроқ ўйлаб, атрофимизга тийракроқ нигоҳ билан зеҳн солиб кўрайлик-а: буюмга, мол-дунёга ҳирс қўйиш одамларни не кўйларга соляпти. Тўғри, буюм деб бир-бирини ўлдираётган эр-хотин, қариндош—уруғ ҳаётимизда онда-сонда учраши мумкин. Лекин мол-дунё, буюм дея маънавий ўлдиришлар, маънавий ўлишлар кўпайиб бормаяптими?

Ҳаётимиз фаровон, турмушимиз тўкин. Тарихнинг гувоҳлик беришича, асрлар оша ҳеч бир даврда ҳозиргичалик тўқ, фаровон давр бўлган эмас. Коммунистик партиямизнинг доно ленинча сиёсати туфайли салкам қирқ йилдан буён урушсиз, мусаффо осмон остида яйраб-яшнаб яшаб келяпмиз. Халқимизнинг яратувчи меҳнати ўша халқнинг бой-бадавлат яшашига хизмат қилмоқда.

Бироқ, мана шу фаровонликни суиистеъмол қилаётган, тўқликка шўхлик қилаётганлар ҳам пайдо бўляпти-ку, жамиятимизга, тузумимизга хос бўлмаган бундай кўринишлар жиддийроқ ўйлашга мажбур этади. Чунки, буюмга ўчлик туйғуси одамни маънавий қашшоқликлиб қўяди. Санамжоннинг ўлимига ҳам худди мана шу маънавий қашшоқлик сабаб бўлди. Йўқса, Полвонназир Бекчонов оиласининг моддий жиҳатдан қийналиб қолган жойи йўқ эди. Ўзи каттагина бир ташкилот — «Госкомводхозстрой»га қарашли сув қуриш иншоотларини монтаж қилиш бўйича ихтисослашган трестнинг бош инженери, хотини Санамжон медицина ҳамшираси эди. Шаҳарнинг обод кварталидаги кўпқаватли уйлардан бирида, шинам квартирада истиқомат қилишарди. Халқ тили билан айтганда — егани олдида, емагани кетида...

Фақат... лаънати билагузук. Йўқ, буюмда нима айб, айб ўша буюмга ҳирс қўйган одамда. Унга фақат Полвонназир ҳирс қўйганмиди, Санамжон-чи?

Марҳумнинг руҳини ўкситиб қотил Полвонназирни ҳимоя қилмоқчи эмасмиз. Фақат, Санамжон ҳам ўша куни бир гапдан қолгани каби, «хўп» деб қўяқолганида — билагузукни берасиз деб оёқ тираб туриб олмаганида... ҳозир яшаётган бўлармиди... Қарс икки қўлдан, дейишади-ку. Бу ибора, айниқса, эр-хотин ўртасидаги муносабатга кўпроқ тааллуқли бўлса керак... Йўқса, йигит ҳам онадан қотил бўлиб туғилмаган, илгари судланмаган, ножўя ҳаракатлар қилмаган эди-ку... Қандай қилиб бирдан қотилликка қўл урди?!

...Ўша куни, 1983 йилнинг 1 июлида Полвонназир тушлик қилиш учун уйига келди. Ўзига хизмат юзасидан биркитилган ГАЗ-24 енгил машинасида. Хотини ўша кундан бошлаб меҳнат отпускасига чиққан эди. Болаларининг иккита каттаси Хоразмдан меҳмонга келган бувиси билан шаҳар айланғани кетган, қолганлари пионер лагерида, боғчада эди. Уйда ёлғиз Санамжон унинг келишига овқат тайёрлаб ўтиради.

Тушлик устида хотин билагузукдан гап очди. Қачонлардир сотиб олинган билагузук Полвонназирнинг ишхонасидаги сейфда сақлашарди.

— Ўшани опкелиб берсангиз, — деди Санамжон, — мана, отпускага чиқдим, Хоразмга борганимда тилла тиш қўйдириб келаман.

Бу гап эрига ёқмади:

— Намунча шунга ёпишиб қолдинг. Болалар катта бўлиб қолди, эрта-индин уларни уйлантириш, узатиш керак...

Санамжон тутоқиб кетди. Тилла тишлар қўйдириш орзуси яна чилпарчин бўлганлигини ўйлади-ю, бошқа нарсани ўйламади. Тўғрироғи, ўйлагиси келмади. Оғзига ...П. Бекчонов ўн уч йилга озодликдан маҳрум этилди.

Инсон ва буюм. Одам, аслида, буюм учун яшамайди. Буюм инсоннинг яшаши учун хизмат қилади. Афсуски, бу оддий ҳақиқатни тушунмайдиган ёки тушунишни хоҳламайдиган, буюм учун яшайдиган, ўзининг яшаш маъносини буюм-бойлик тўплашдан иборат деб тушуниб, буюмга сажда қиладиган одамлар йўқ эмас.

Мана сизга бир-икки мисол. Йигит-қиз институтда бирга ўқирди, бир-бирига кўнгил қўйганди. Вақт келиб йигит совчи юборди. Айни шу даврда кўҳлик қизга бошқа жойлардан ҳам совчи келаётган эди. Одам бахтини мол-дунёда деб тушунган она совчилар орасидан «ёғли жойда» ишлайдиганини танлади. Севган йигити тўғрисида эса қизига шундай деди:: «Ўйлама ўша мирқуруқ Анварингни. Институтни битириб битта инженер бўлади-да. Ҳозир юз эллик сўм билан кун кечириб бўладими?», «Турғунингизга сира кўнглим йўқ, ойижон, унинг пулини бошимга ураманми?», «Ҳамма гап пулда, эртага тўйдан кейин зеб-зийнатга белаб ташласа шундоғам кўнгил қўясанки...».

Қиз Турғунга тегмаса, Анварни дейдиган бўлса, «оқ қиладиган» бўлишди.

Қизнинг иродаси бўшлик қилдими, ҳаё-одоб устун келиб ота-онасининг «юзига оёқ қўёлмадими», хуллас, уларнинг танлаганига рози бўлди. Ва... иккн фарзанд кўрганида ҳам у хонадонда олтин қафасдагидек совуқ турмуш кечириб юрганида... эри «ёғли иш» устида қўлга тушиб қамалди!..

Хўш, бу ерда ким айбдор? Ота-онами, қизми, буюмми?

«Олма олмадан узоққа тушмайди», «Қуш уясида кўрганини қилади» деган гаплар бор. Қиз ўша оилада, ўша муҳитда тарбияланиб, вояга етган эди. Шунинг учун ҳаёти, бахти ҳал бўлаётган нозик бир палладе ўз бахти учун тик боришга унда қатъият етишмади, онасининг мол-дунё тўғрисидаги «дий-диё»сини уни ўлатиб, иккилантириб қўйди...

Биз бу билан қалбингизга қулоқ солинг, зеб-зийнатнинг, буюмнинг қули бўлиб қолманг демоқчимиз. Чунки, турмушга чиқиш бахтини буюмда, ҳашаматли машинада, дабдабали участкада деб қарайдиган тушунчадаги ёшлар ҳам учраб турибди. Улар сўнг судда ажралишаётганда кўз ёш тўкиб «характеримиз тўғри келмади» дейишяпти. Бироқ, кеч. Жуда кеч. Характерни ажралишаётганда эмас, турмуш қураётганда ўйлаб кўриш керак. Жиддий ўйлаш керак...

Иккинчи мисол. Шу йил кузда эски шаҳар даҳасида қизиқ воқеа содир бўлди. Бир киши қўш келин тушираётган эди. Тўй бир кунда бўлиши керак. Бўлажак қайнона кичик келинниг сепини — гарнитурини ҳовлига туширилган жойда қайтариб машинага ортиб жўнатгирди: «Катта келиннинг гарнитури импортний, бу Тошканнiки экан, ман катта қуданинг олдида уяламан» деди у.

Тўй қолдирилди. Қўш келин эмас, якка келин ҳам келмади. Чунки бу хунук воқеадан хабар топган катта қудалар фаросатли одамлар эди, улар ўзлари «импортний» гарнитур қилганидан гердайиш ўрнига... уларни қайтариб олиб кетишди. Чунки бунақа дунёқарашдаги буюмпараст оилада қизлари бахтли бўлолмаслигини улар дарҳол кўра билишган эди. Эс борида этакни йиғиб қўяқолишди...

Файзулла ФОЗИЛОВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

РЕДАКЦИЯДАН:

ЮҚОРИДА авторлар аниқ бир фожиа атрофида фикр юритиб, «Одамлар ва буюмлар» деб аталмиш муҳим муаммони ўртага ташлашяпти. Сизларни муҳокама ва мунозарага таклиф қиламиз, азиз газетхонлар. Дарҳақиқат, буюм инсоннинг нормал яшаши учун хизмат қилади. Бироқ, буюм учун яшаётган, ўзининг, фарзандининг бахтини буюмларда, мол-дунёда деб тушунадиган ва яшашдан мақсадни фақат шу йўналишга қаратадиган баъзи одамлар ҳақида сиз нима дейсиз. Ахир инсоннинг нисбатан жуда қисқа умрида ўйнаб-кулиб, ортиқча ташвишларсиз яшаши учун шунчалик кўп нарса зарурми?..

ҲАР ТЎҒРИДА

КУМУШ ГРИППГА ҚАРШИ

● БОЛГАРИЯЛИК олим Б. Жегов грипп ва нафас олиш йўлларининг ўткир шамоллаши олдини олишнинг янги усулини ишлаб чиқди. Бу усул кумуш ионларининг микробга қарши таъсирига асосланган. Электрохимия йўли билан олинган ионлашган кумушнинг сувдаги эритмасидан аэрозоль тайёрланади. Грипп эпидемияси кенг тарқалган пайтда бу аэрозоль қатор болалар боғчаларида фойдаланилганида яхши самара берди. Бу болалар муассасаларида касалланиш бундай профилактик тадбир ўтказилмаган боқчалардагига қараганда икки ярим баравар кам бўлди.

РАҚНИ ДАВОЛАШ ВОСИТАСИ

● МАССАЧУСЕТ технология институтининг (АҚШ) ходимлари Гэрнер ва Лилар ўзларининг акула умуртқасининг тоғайидан рак ишни ҳужайраларининг ривожланишини анча секинлаштирувчи модда ажратиб олиш юзасидан олиб борган дастлабки тажрибалари натижаларини эълон қилдилар. Улар бунда акуланинг бошқа балиқ турларидан фарқли равишда рак касалликларига қарши иммунитетга эга эканлиги фактига асосландилар.

Ҳали олимлар оқсил моддасини тўла ажратиб олишга эришганларича йўқ. Лекин бу соҳадаги дастлабки синовлар қуёнларда ўтказилганда ижобий натижалар берди.

ОБ-ҲАВО ВА КЎРИШ

● ЛОНДОНДАГИ олий ўқув юртларидан бирининг профессори, кўз касалликлари бўйича мутахассис Роберт Унлл бутун дунёни айланиб чиқди. Бунда у об-ҳавонинг инсон кўзи кўришига таъсирини ўрганди. Олим кўп йиллар давомида тўпланган маълумотларни солиштирар экан, иссиқ об-ҳаво кўзга салбий таъсир қилар экан, деган хулосага келди. Масалан, Фижи оролларида кишилар 30 ёшдан кўзойнак тақа бошлайдилар. Филиппинларда 35, Ҳиндистонда 40 ёшдан бошлаб кўзойнак тақадилар. Бу соҳада Европа об-ҳавоси энг «маъқул» бўлиб чиқди. Масалан, лондонликлар ярим аср умр кўрганлардан кейингина кўзойнак тақа бошлайдилар.

ОЛАМ КАФТДА

● АВСТРИЯДА Клягенфурт кўли соҳилларида жаҳон меъморчилиги ва архитектурасининг ҳамма машҳур ижод намуналари билан танишиш мумкин. Бу ерда 23 минг квадрат километр саҳнли паркда дунёда энг машҳур бўлган саройлар, қасрлар, миноралар, қалъаларнинг нусхалари тикланган. Пиза минораси, Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож-Махал, Венециядаги машҳур сарой, Будапешт қасри ва бошқа кўпгина меъморчилик дурдоналари 1:25 катталикда парк ўтлоқларидан жой олган. Очиқ ердаги ўзига хос музей экспозицияси айниқса болаларда катта қизиқиш туғдирмоқда. Уларнинг ота-оналари билан паспорту-визаларсиз бундай жаҳон бўйлаб сафар қилиш эрмакнинг ўзигина эмас, албатта.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00—«Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.20 —«Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.00 —Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.40 —«Любовь Яровая». 16.30 — «Горнчилар, қаердасиз». 17.15 — «Фалсафа ва маданият». 18.00 — «Экран дўстларни чорлайди». 18.45 — Спорт ҳафталиги. 19.15 —Дунё воқеалари. 19.30—Мультфильм. 19.45 — «Улим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Спартак» — «Спарта» (Голландия). 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — Астрономия. 10.05 ва 13.45 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.35 — Тарих. 12.05— Ота-оналар, Сизлар учун. 13.05 — Телеочерк. 14.15 —Уйғониш даври санъати. 3-кўрсатув. 14.45 — Тарих саҳифалари. 15.35 — «Қишлоқ янгиликлари». 16.35 ва 18.30 —Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — «Макропулос чораси». Фильм-спектакль. Танаффус пайтида (20.25) «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 — «Время». 22.00 — «Улим билан олишув». Бадиий фильм. 23.30 — Концерт.

ЎзТВ-I. 11.30—Ботаника. 12.00 — «Сўз кетидан сўз келар». 12.20 — Кинопрограмма. 18.05 — Мультфильм. 18.15 —«Тенгдошларинг ижоди». 18.45 — «Паҳта» телевизион комплекс программаси. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қалбимиз ҳамиша уйғоқ...» 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.00 — «Бугун оламда нима гап?». 22.15 — «Ватангадолар». Бадиий фильм. 1-серия. 23.45 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00—16.40 — МТ-II. 18.15 —Ўқитувчи экрани. 18.50 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Кўп сериали телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.25 — Ижодий изланиш кишилари. 20.55 — «Кутилмаган қувонч». Телефильм. 21.30 — МТ-II.

Тошкент районидаги «Тошкент» совхози маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари совхоз бош агрономи Н. Ҳолмуҳамедовга отаси

Ҳолмуҳаммад НОРМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СПОРТ

ДАЪВОГАРЛАР БАҲСИ

● ШАХМАТ тожи учун даъвогарлик қилаётган тўрт спортчи ўртасида Лондонда ярим финал ўйинлари давом этмоқда. Каспаров — Корчной ўртасидаги олтинчи партия давом эттирилганда совет гроссмейстери 78-юришда ғалабага эришди ва ҳисоб 3:3 бўлди. Кеча навбатдаги еттинчи партияда Каспаров оқ доналар билан ўйнади.

Бошқа ярим финал қатнашчилари саккизинчи партияни давом эттирдилар. Бу ўйин 42-юришдан кейин совет шахматчиси Смисловнинг устунлигида кечиктирилган эди.

КИМ ҚАПСИ ГРУППАДА?

● БУГУН Цюрихда 1986 йил жаҳон футбол чемпионати финалига йўлланма олишга даъвогарлик қилаётган командалар ўртасида саралаш группаларига чек ташланади. Биринчи босқич ўйинларида Испания чемпионатига қараганда 10 та кўп, жами 119 мамлакат қатнашиш истагини билдирган.

Мексика чемпионатининг финалида Испанияда ўтказилган биринчиликдагидек 24 терма команда қатнашади. Уларнинг иккитаси маълум. Бу Мексика (майдон эгалари) ва ўтган чемпионат ғолиби Италия футболчиларидир. 119 даъвогарнинг 33 таси Европа қитъасидан, Африкадан 29 та, Осиёдан 26 та, Шимолий, Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси зонасидан (Мексикани қўшиб ҳисоблаганда) 18 та, Жанубий Америкадан 10 та, Океаниядан 3 та ариза тушган. Финалда Европа вакилларига 14 та ўрин ажратилган. Жанубий америкаликларга 4 та, Шимолий, Марказий Америка ва Карибҳавзаси зонаси вакилларига 2 та, Африкага 2 та ва Осиё вакилларига 2 та ўрин ажратилган.

Барча саралаш ўйинлари 1984 йилнинг 1 майидан 1985 йилнинг 15 ноябрига қадар ўтказилиши керак.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретарнат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02336. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетн нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонасн. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1729.